



# МАНАЛЛА

Ўзбекистон «МАНАЛЛА» хайрия жамғармасининг нашри

№ 68-69 (200-201)

2000 йил 20 сентябрь, чоршанба

Газета 1996 йил январь ойдан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ БОЗОРИДА ДЭУ ПЕШҚАДАМ

ЎзДЭУавто компанияси Ўзбекистон автомобиль саноатида пешқадам бўлиб қолмоқда.

2000 йилда корхонада 63 мингта машина ишлаб чиқариш режалаштирилган. Улардан 52 мингтасини ички бозорда сотиш мўжалланган бўлса, 11 мингтасини экспорт қилган.

Чет элга сотиладиган автомобилларнинг асосий қисми Россияга тўғри келади. Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги тегишли шартномаларга асосан Ўзган йили Россияга 10 мингтадан ортиқ ДЭУ автомобиллари юборилди.

1999 йилда бу қўшма корхона маҳсулоти мамлакат автомобиль бозорининг 93 фоизини қоплади. Ўзган йил ички бозорда ЎзДЭУавто машиналаридан 48337 таён сотилган. Таққослаш учун маълумот: Россиядан импорт қилинувчи ВАЗ ва «Москвич» автомобилларидан мос равишда 1053 та ва 960 таён сотилган.

## ВИЗА РЕЖИМИ ЎРНАТИЛДИ

11 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида ўзаро бордини-келиб келишув асосида кучга кирди. Энди ўзаро мамлакатларга ўзаро таширф дипломатик ва консуллик маҳкамалари визаси асосида амалда оширилади.

Виза икки мамлакат юридик ва жисмоний шахслари тақлифига асосан, консуллик тўловлари тўланганча, берилди.

Келишув айрим шахсларнинг, жумладан, дипломатик ва хизмат паспорти бўлган фуқаролар расмий давлат делегацияси таркибидан 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатта таширф буюришда мамлакат ҳудудига визасиз кириши мумкинлигини навазда тутди. Шунингдек, икки мамлакат ҳудуди орқали учинчи мамлакатга ўтиб кетаётган транзит йўловчилар ҳам виза олишлари шарт эмас.

Тожикистоннинг мамлакатига билан четардон ҳудудларида истиқомат қилувчи шахслар Ўзбекистонга 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатта визасиз кириши мумкин.

Айни ўша сана, яъни 11 сентябрдан бошлаб Эстония ва Россия ўртасида ҳам ўзаро бордини-келиб келишув асосида амалда оширилади.

**Интернет материаллари асосида МАТЛУБАХОН ТЎХТАМИРЗАЕВА тайёрлади.**

Ш.МАХМУДБЕКОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Газетамизнинг 2000 йил 14 июнь сонидан «Маҳалла. Истиқлол дарсхонаси» руқни очилгани эълон қилинган ва унинг мақсади ҳамда биринчи давра суҳбатчи чоп этилган эди.

Ўтган муддатда маҳаллашунос, сиёсатшунос, тарихчи олимлардан, бевосита ушбу жабада фаолият кўрсатиб келаятган амалиётчилардан, қатор газетхонлардан «Маҳалла» газетасининг «Маҳалла. Истиқлол дарсхонаси» руқини маъқуллаган мақтублар, мақолалар олдик.

Тахририят набатдаги дарси, тарих фанлари доктори, профессор Шухрат Маҳмудбековнинг мақоласи билан давом эттиришни лозим топди.

Маълумки, барча мамлакатлар учун умумий бўлган демократик меъёрлар ва талаблар бор. Лекин бизнинг мамлакатимизда Истиқлол туғайли демократиянинг ўзига хос хусусиятлари, шарт-шароитлари, тамойиллари вужудга келди. Унинг намоён бўлиши жамоат ҳамжihatлиги, ташаббуси ва жамоатчилик фикрининг тасирчанлиги ва обрў-эътибори асосида шаклланиб буйиб, у тобора ривожланоқда. Ўзбек халқининг ўзига хос фазилатлари - қонунга ҳурмат ва итоат билан қараш, ҳаётнинг паст-баландини яхши билиш ва қарлаш, ахлоқий, маънавий қадриятлари ардоқлаш, уларга риоя қилиш ўзбекхона демократиянинг ўзига хослигини белгилаш билан бирга айни вақтда, улар янги фуқаролик жамияти мезонлари ҳамдир.

Фуқаролик жамиятида - фуқароларнинг ўзлари ўз тақдирларини белгилайдилар. Фақат шу ҳолда давлат тизими ва муассасалари ҳар бир фуқарони, ҳар бир жамоат ташкилотини

## «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИНING «ИСТИҚЛОЛ ДАРСХОНАСИ»

# МАНАЛЛА - ЎЗБЕКОНА ДЕМОКРАТИЯ

фиқри ва раъйини ўзиники билан тенг ва устунроқ қўйиши, ҳисобга олиши мумкин.

1993 йилнинг сентябрида қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда 1999 йилнинг май ойидан кучга кирган унинг янги тахрири маҳаллаларга жўшқин бунёдкорлик руқини бахш этди, оммавий ҳаракатни шаклланд ҳам, мазмунан ҳам янада бойлигига сабаб бўлди.

Мамлакатимиз Конституциясида «Шаҳар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги фуқаролар йиғинлари, ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, икки ярим йил муддатга раниси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди», деб белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда маҳаллаларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари илк бор Асосий Қонун воситасида шу тариқа мустаҳкамланди.

Конституциямизнинг ушбу модда-

си мазмунидан келиб чиққан ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат бошқарув органидан холи ва мустақил иш юритувчи, баъзи ишлар доираси бўйича ўзини бошқариши амалга ошираётган маълум ҳудудий орган сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларига бундай таъриф бериш, уни давлат органларидан бутунлай ажратилган, деган маънони бермайди, албатта. Улар ўзаро боғлиқликда ва ҳамкорликда иш кўради. Айни вақтда уларнинг биринчиси жамоат вакиллик шаклида, иккинчиси эса - давлат ваколатлари доирасида фаолият кўрсатади.

Янги қабул қилинган Қонуннинг биринчи моддасининг алоҳида аҳамияти шундаки, у аҳолини хоҳиши-иродасига асосланиб фуқароларнинг йиғин (йиғилишларини) ташкил қилишга имконият яратди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий марказлари - овул ва қиш-

(Давоми 2-бетда.)

## «ИБРАТЛИ МАНАЛЛА ОҚСОҚОЛИ» ҲАҚИДА ҲИКОЯ

# ОНА ДУОСИ

очерк

Илгар хабар қилганимиздек, Истиқлолнинг тўққиз йиллиги олдидан Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви ташаббуси билан «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловини эълон қилиб, унинг голлибери эълон қилинган эди. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани «Чингай Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминов 2000 йилнинг «Ибратли маҳалла оқсоқоли», Наманган вилояти Наманган тумани, Қоратепа маҳалласи оқсоқоли Султонхон Қаландаров ва Тошкент шаҳар Ҳамза тумани А.Назаров номи маҳалла оқсоқоли Собир Комиллолар «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловларининг голлиби бўдилар.

Кўпчилик газетхонларнинг тақлиф ва ил-

тимосларига кўра, тахририят совриндорларининг тақрибаси ҳамда ҳаёти ҳақида ҳикоя қилишни лозим топди. Жамиятда барча инсонийлик сифатлари билан бошқаларга ўрнак бўла оладиган, жамоат ишларини сиқидилган, астойил, меъриий ҳужжатларга монанди, холисона, ҳалол бажариб келаятган, маҳалла нуфузини сарафроз этаётган Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани «Чингай Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Мўминов «Ибратли маҳалла оқсоқоли» республика кўрик-танловида биринчи ўринни олди, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси фахрли кўрак нишон билан тақдирланди.

Биз кейинги саҳифамизда унинг фаолияти ҳақида ҳикоя қиламиз.

(2-бетда.)



Санъат сеҳри

## ОФАРИН ПОСБОНЛАР!

Наманган шаҳридаги Фурқат номи маҳалла фуқаролар йиғинига бир аёл ташвиш билан кириб келди.

- Уйимиз ертўласида шубҳали шарпаларни сездим.

Соат кечки саккиз эди. Фуқаролар йиғини оқсоқоли Х.Асқаров маҳалла посбонлари А.Ҳабибуллаев, И.Жўраев, Б.Муллахоновлар билан шу заҳоти етиб боришди. Маҳалланинг Гайрат кўчасидаги айтилган ҳовлига ладил киришди. Хонадон эгаси алашмаган экан. Номъялган шахслар пичоқ ва газ отувчи тўпсиз билан қуролланган тўрт нафар босқинчи экани аён бўлди. Улар посбонларга пичоқ ўқталиб ҳужум қилмоқчи бўлишди. Йиғитлар уларнинг йўқотмай, ладиллик билан ҳаракат қилдилар. Жиноятчиларни қуролсизлантириб, кўлга олишган икки ишлар бўлимига хабар қилдилар. Суриштирув жараёнида ҳамма нарса аён бўлди. Тадбиркор Қобилжон Муллахоновнинг хизмат сафарини билан Тошкентга кетганини билган, «хид олган» тўрт галами сезармай унинг хонадон ертўласига жойлашиб олишни ва тузда кўлай пайтанин пойдлаб гаражи мақсадларини амалга оширишни мўжаллашган. Аёлининг сержалниги ва маҳалла оқсоқоли ҳамда посбонларнинг жасорати туғайли ана шу жиноий ҳодисанинг олди олгани.

Наманган вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарлари Фурқат

## МУДҲИШЛИКНИING ОЛДИ ОЛИНДИ

номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Асқаров ва маҳалла посбонлари А.Ҳабибуллаев, И.Жўраев, Б.Муллахоновлар жасоратини оқори баҳолади. Уларнинг ҳар бири йиғирма минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирландилар.

Воқеалар хабар топган кечаю эш маҳалла посбониди жамоат тузилмаларининг қанчаллик аҳамиятта эга эканини миннатдорчилик билан эътироф қилишга шарт.

Одамлар ҳақ, - дейди шу ҳақда гап очилди қолғудай бўлса ҳаёгон билан тадбиркор Қобилжон Муллахонов, - маҳалламизда шу сунган тоғларимиз, ани йиғитларимиз бўлмаганида, қон-қакшаб қилишим ҳеч гап эмас эди...

Бошингиз тошдан бўлсин, умрингиздан барака топинг худойим, дея тилак қиламиз юртимиз ишонган посбонларга.

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ, «Mahalla» муҳбири.

## СИДНЕЙДА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ҚАНДАЙ?

Грек-юнон ва эркин кураш бўйича ўзбекистонлик полковларнинг учинчи гуруҳи Сиднейда XXVII Олимпиада ўйинларига жўнаб кетди.

Кураш бўйича мусобақалар 23 сентябрда бошланади. Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма командаси таркибида Расул Катинова-совнинг ўрнига Махарбек Хадриев иштирок этади.

Сиднейда эллик метрга пистолетдан отиш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Жаҳоннинг кучли 50 мергани билан беллашган Дилшод Мухторов 662 очко билан бешинчи ўринни эгаллади. Ҳамюртимида бронза медалини қўлга киритиш учун 0,5 очко етмади, холос.

Ўзбекистонлик Дилшод Ёрбеков ва немис боксчиси Алдан Катк ўртасидаги қизғин кураш 10:6 ҳисобида немис боксчиси фойдасига якунланди.

Дзюдочилар беллашувида Фарҳод Тўраев ўз рақибини уруғвайлик Алваро Пазейрога ютқазиб қўйди ва мусобақаларини давом эттириш имкониятини бой берди.

Ўзбекистонлик дзюдо мухлислари Атланта-96 кумуш медални соҳиб қилди. Армен Багдасаренинги чиқишини сабрсизлик билан кутишмоқда. У 20 сентябрда татамига чиқди.

УзА.

## ОГОҲ БЎЛИНГ (масал)

Бахтли яшар эди жуфтига Чумчуқ, Улар уясида эшитиб чурқ-чурқ, Тухумдан чиққанди қанча Полонон. Ота-она уларга хўп меҳрибон.

Жўжаларин роса ўйнатишарди, Бир кун учин сирин ўргатишарди... Уларнинг ёнида улкан теракда, Қўниб турар эди муттаҳам Ҳаққа.

Назоратсиз қолган бебон ёш жўжа, Уни кўриб учди баландга жулда.

Бориб қўли Ҳаққа турган шохчага, Қўринарди ундан қўшни боғчада, Мағзава кўлмагин ёнида соғуи, Ҳаққанинг мақсади илдиromoқ «овин».

Тўсатдан, шидатла пастга учди у, Ўлжасини чангага тутдию,

Парвоз қилди яна қайта осмонга, Учиб кетди ўз уяси томонга.

Унга тақдир қилган Чумчуқ боласин, Эшитилди қўлмак ичра поласин.

Доғда қолган ота-она чирқиллар, Ғам-андуҳда юраклари зирқиллар.

Хулоса: ёшлардан бўлингиз огоҳ, Жўжадек лойқага бутмасин ногоҳ, Нопок қимсалардан ўрнак олмасин, Юракларда фарзд доғи қолмасин.

Зикрилла ОХУН, фуқаролар йиғини раиси.

## Сиз сарлаҳани ўқиб, нима, яхши оқсоқоли сайлаш шунчаки қийин эканми? - деб ўйлашингиз мумкин. Ҳа, сиз билан мен ўйлаганча осон эмас экан. Мен бир маҳаллада ўтган оқсоқол сайловини айтиб берай. Ўзингиз хулоса чиқариб olasiz:

Бир маҳалланинг кекса, манмансираб кетган, хатлар уюштириб бир вақтлар бир мансабдор қариндошининг аралашуви билан оқсоқол бўлиб сайланиб қолган, уга фикри тўмқоқ раҳбарларга ялтоқ оқсоқол аттестациядан ўтмади.

У оғи куйган тўвуқдай уёқда югуриб, бу ёққа югуриб, бирон натижага эришмади. Суячиқ қариндоши ҳам мансабдан кетган. Охири тақдирга тан берди. Кетишдан бошқа илож йўқ. Лекин унинг ҳамма имкониятдан ажраб қилиш нияти йўқ. Шунинг учун ўзига ҳамтовнок бўлиб юрган қисмини чақириб, ўрнига оқсоқол қилишни ният қилди. У оқсоқол бўлса, бу ёқдаги даромадли ишларга ўзим бошичилик қилиб юрарман деб ўйлади. Оқсоқол ниятини билдирганда таниши ичидан қувониб, лекин бир ҳақиқат-

## ОҚСОҚОЛ, У ҚАНДАЙ ОДАМ БЎЛИШИ КЕРАК?

# МУНОСИБ ОҚСОҚОЛНИ САЙЛАШ ОСОН ЭМАС ЭКАН

ни айтиди: - Устоз. Биласиз мен урф-одатларини яхши билмайман. Унинг устига маҳалла аҳолиси мени яхши билмайди, мен ҳам танимайман... Мени сайлашармикан?

- Бундан қайғурма, танимаса секин таниб олади. Эртанан тўй-маъракада менинг олдимда турасан. Сен рози бўлсанг булади. Сайловчилар ўзининг қўлида - қанча овоз керак бўлса олиб бераман, - дейди.

Шу билан расмийчилик учун йўлга номзад кўрсатиш мақсадини ўқатиш кунини белгилашди. Бундан хабар топган эл-юртинг ўйлайдиган фаоллар маҳаллада ҳаммаининг хурматида сазовор бўлган, республикада таниқли, удабурон, ҳақиқатга, ҳалол одам номзодини киритиш учун унинг олдида боришди. У, ҳақ сўзга мен бораман, халқ сўзи ҳақ сўзи деди. У кўп йил маҳалла оқсоқолига муовин бўлган, халқ ҳурматида сазовор эди. Маҳлис кунда оқсоқол титраб-қақшаб, ўзи-

ни қўярга жой топмай, асабланиб, бақириб-чақиритти. Ва ниҳоят халқ истаган номзодини ҳам рўйхатга киритишди. Эртасига ҳамма номзодларга «Сўровнома»лар берилгач, у ҳам тўлаиб берибди. Лекин афсуски, ёқтирмаган номзоднинг «Сўровнома»сини ҳоқимиятга бермай гўмдон қилибди оқсоқол. Ордадан анча кунлар ўтган суриштирса сўровнома топирилмаганлиги маълум бўлибди. Ҳоқимиятдагилар янги танд тўлаиб берсин дейишди. Тўлаиб берибди.

Ниҳоят сайлов кунини белгилашди. Ҳоқимиятдан келган вакилар оқсоқоллик сайловига хотин-қизлар кўмитасининг раиси номзодини кўйишди. Маҳалла аҳли хотин кишини сайлашмапти, тўй-маъракага қандай бош бўлади деб. Бундан фойдаланган собиқ оқсоқол шогирдини ишта солиб, талаб қилинган номзоднинг устидан шонининг тухма тати ёздириб, ҳоқимиятга олиб чиқиб берибди. Бу хатин

«Mahalla» мухлиси.



Бир ҳафта давом этган «Президент кубоги» турнири, қатта теннис байрами ниҳоясига етди. Тошкентдаги бу мусобақа Марат Сафининг жаҳоннинг биринчи рақамли теннисчиси даражасига кўтарди. 70 минг АҚШ долларига эга бўлган Сафин Сидней олимпиадасига ҳам улгурди. Уни «O'zbekiston hayo yollari» миллий авиакомпаниясининг «Бонинг» самолёти етказиб қўйди.

**MANALLA**  
Ўзбекистон «МАНАЛЛА» хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили: Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Нашр кўрсаткичи: 148

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 иккундлий бўлимлар — 136-53-82

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик жамияти

Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

(Боши 1-бетда.)

Маҳалла оқсоқоли зиммасидаги кўп қиррали асосий вазибаларга унинг фаолияти тўла жавоб берди. Республика «Маҳалла» жамғармасининг «Маҳалла зисси» ўқув марказида ўтказилган ўқув-семинарларни жараёнида билдирилган фикрлардан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни моддаларидан, Президентимиз

ларнинг маҳаллада бажарилишини таъминлаш;  
- давлат томонидан фуқароларнинг ижтимоий ҳаётини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонуннинг маҳалла томонидан амалдаги ҳалол ҳал қилинишини таъминлаш;  
- хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик корхоналар, устаноналар, ҳунармандчилик цехларини, маиший хизмат кўрсатиш уйлари очиш ва шу каби бош-

# ОНА ДУОСИ

қланган аъёнаниларни юксак маданий савияда, асосан аҳолининг имкониятларини, манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ихчам, қизиқарли ташкил қилиш;  
- хотин-қизлар кенгаши фаолиятини тобора жонлантириб, самарали бўлишига эришиш;  
- ёшлар тарбиясининг миллий талаблари касб-ҳунар, спортга, билмиш ва кўникма олишга, ижтимоий фойдали меҳнатга тортиш чораларини кўриш;  
- умумтаълим мактабларининг, боғчаларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, спорт иншоотларини қ у р и ш ,

таъмирлаш, улардан самарали фойдаланишга ҳомилийк қилиш;  
- маҳалладаги барча жамоат ташкилотлари корхоналар, ҳаққорам жамғармалар, ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимият органлари билан фойдали, узвий ҳамкорликни ўрнатиб асосида аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга интилиш ва шу каби мақсадлар сари ташаббус кўрсатиб ишлаш.

Ушбу маҳалла фаолияти билан боғлиқ бўлган масала ва муаммоларни, бurch ва масъулиятни «Чигатой Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинининг маҳалла аҳолиси томонидан саралаб, сайланган раиси Хайрулла Мўминов масъулиятлари, жамоатчилик асосида фидокорона ишлаётган кўча вакиллари, соҳалар бўйича тузилган кенгаши аъзолари, фаолларга таяниб тўла қамраб олишга, биронга тармақчи ҳақи унутмасликка ҳаракат қилиб яшаётганини кўришимиз.

Хайрулла Мўминовга элжурта хизмат қилиш ота мерос. Бувиаси Мўминога ота ўз дариининг ўқимлиши кишиларидан ҳи-

ларидан озор чекавериб беизиллаб қолган она, опалар ўйлини қолдилад. Хайрулла ўзига ярашган кескирлиги, шижоати, бирон ишга кўп урадин бўлса хар томонлама ўрганиб ишонч ҳосил қилиши, сўнг эзу мақсадига етмагунча қўймаслиги билан, онасини, опаларини, беш ўғилдав балоғатга етганларини бағрига олиб ишга киришиб кетди. Кичик онаси Каримахоннинг номи билан 1992 йили ўзи яшаб турган «Чигатой Оқтепа» маҳалласида «Карима» хусусий фирмасини ташкил этибди. Тикувчилик устанонасини очди. Кетма-кет поликлиника, автомашинани таъмирлаш ва бошқа қатор аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият кўрсата бошлади. Олган даромадининг бир қисмини фирмаси ривожлантиришга сарфласа, қолган қисмини меҳр-муруват кўрсатишга ажратди.

Маҳалланинг ободончилигига, янги ишхоналар қурилишига борини аямайди. Маҳалладошларни ишбилармон йиғини 1998 йилда «Чигатой Оқтепа» маҳалласи аҳолиси ўзига оқсоқол этиб сайлади. Унинг маҳалла фуқаролари йиғини раислигига қанчалик лойиқлигига иккиланиб қараганлар ҳам бўлди. Оқсоқоликка «тадбиркорликнинг» ўзи кам деганлар ҳам топилди.

Шунда Хайрулла Мўминов мардларча тан олиб, деган эди:  
- Маҳалла оқсоқолиги осон иш эмас. Кен қаровли, мураккаб, кўпроқ ташаббус кўрсатиб, ҳолис, ҳалол, адолат билан фаолият кўрсатадиган, масъулиятли вазира. Агар, ёрам берсангиз, қўллаб-қувватлаб турсангиз одам қилган ишни одам эплаб кетди... Бугунга келиб, Хайрулла Мўминовнинг республика-

лар беада. Истиқболдаги режалари янада диққатга сазовор. Битгасини айтсам, ҳозир маҳалла ҳудудида хорижий тилларни ўргатишга мўлжалланган, тўлиқ маҳалла маблағи ҳисобига фаолият кўрсатадиган янги 50 уринли болалар боғчасини очилга таралуд бўлимоқда. Коммунал тўловлар вақтида, юз фоиз тўланади. Маънавий ва маърифий ишларнинг самаминовнинг Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқарувининг раёсати қарори билан республика кўрик-танловининг ғолиби бўлганлигини бир оғиз залворли сўз билан: «Арзийди» демоқдалар, ишларига ривож тиламоқдалар. Чигатой Оқтепа маҳалласи тизимсида XXI аср маҳалласини кўриб қувонмоқдалар.

**Мухаммад РАСУЛ.**



Суратларда: «Ибратли маҳалла оқсоқоли» Х.Мўминов онаси Ҳакима ая ва маҳалла ёшлари билан.



фармонлари, ҳукуматимиз қарорларидан ва бошқа ҳужжатлардан ва соҳа Низомида келиб чиқадиган бўлса маҳалла оқсоқолининг қиладиган ишлари кўп.

- маҳаллада тинчликни, фуқаролар оқсоқолини таъкидлашда маъмурий органларга кўмаклашиш;  
- маҳалла посбонлари ва яраштурув комиссияларининг самарали фаолият кўрсатишлари учун шароит яратиб бериш;  
- аҳолининг ҳуқуқий маданиятини, сиёсий-ижтимоий онгини, фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларни мунтазам ташкил этиш ва ўтказиш;  
- онлада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашиш ва тарғиб этиш, соғлиқни сақлаш муассасалари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳолининг сиҳат-саломатлигини яхшилашга эришиш;  
- инсонларнинг қулай ҳаёт кечиришлари учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бу соҳада давлат томонидан ўтказилган белгиланган тадбир-

қа хизмат турларини ривожлантириш;  
- маъмурий-ҳудудий бирлашмалар, маҳаллаларнинг чегараларини белгилаш, номларини қўйиш, зарур бўлганда ўзгартириш борасида таклифлар киритиш;  
- фуқароларга меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ер участкалари бериш ҳақида таклифлар киритиш ва туманининг тегишли комиссияларига шу масала юзасидан вакиллар юбориш;  
- маҳалланинг мулкани, айланма маблағини бунёд қилиш, ривожлантириш ва ундан унумли фойдаланиш;  
- ободонлаштириш, озодтоза тутиш ишларини ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, умумий фойдаланиладиган жойларни, иншоотларни сақлаш, таъмирлаш ва самарали фойдаланиш;  
- гузарлар, маҳалла марказларини барпо қилиш, маҳалла ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмаларнинг ривожланишига кўмаклашиш;  
- тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказишни, миллий, умумхалқ тантаналарини, қадриятларини, тарихий ша-

ҳарактерларини, тарихий ша-

ҳарактерларини, тарихий ша-

ҳарактерларини, тарихий ша-

ҳарактерларини, тарихий ша-

ҳарактерларини, тарихий ша-

АКС-САДО: «ПУЛ ГАДОСИ— ОБРУ АДОСИ» (13 сентябрь) **БОЛАГА ЧЎНТАК ПУЛИ КЕРАКМИ?**

Гапнинг очиги баъзан ўйланиб қолсам, нега ота-она бўлиб, ақлимиз этиб туриб, фарзандларимизни «йўлдан уриб» қўямиз. Ма-на бир мисол, биринчи синфда ўқийдиган набирамдан билиб олдим. У бир кунни уйга «қорим тўқ, ҳеч нарса емайман» деб келди. Сўраб-суриштирсам қуйидаги воқеани айтиб берди. Синфдош дугонаси катта танлафусда, аввал бир даста пулни ҳаммага улашибди. Кейин икки-уч дугонасини буфетга, кейин мактаб яқинидаги бошқарува олиб чиқиб роса «меҳмон» қилибди. Кейин худди шу аҳвол яна давом этиди.

Энди тасаввур этинг. Кўриниб турибдики, уйдаги катталарнинг бифарқлигидан, яхши тарбия бермаганлигидан, бола оқиқ-чоқиқ этган пулни сўрамай олган. Қолаверса, нима бўлаётганини тушунамай дугонасини «меҳмони» бўлиб, уни рағбатлантириб, хурсанд қилган синфдошларини, нима «меҳмон» қилишни истган бола, кейин пул тополмаса ёки онаси ихтиёрий равишда бермаса нима қилади? Хатолар халқасини бир-бирига улаб кетганини, кетгани. Ранжийди, нотўғри эса-да, ота-онасидан соғийди, секин «ўғирликка» ўтгани, киши. Хуллас, бола билан қутилмаган, бетакорор кўнгилсиз воқеалар юз беради. Демокримани, ҳаётда кам бўлса ҳам, учраб қолганидан, бундай ҳодисаларга жуда сертак бўлишимиз, олдини олишимиз, эринмай, аямая тарбияга куч беришимиз жоиз. Қайдам, катта бўлганда «пул гадоси бўлган» шахсининг кўнглида, ушбу хатотик уруғи, ёшлитидидаги хатотинг уншидир.

**Д.РАХМАТУЛЛАЕВА,** педагог.

# МАҲАЛЛА — ЎЗБЕКОНА ДЕМОКРАТИЯ

(Боши 1-бетда.)

Маъмур қонун-қондалар фуқаролар йиғини (Йиғиларини) шу ҳудудда яшовчи тегишли ёшдаги жамоанинг фикрини ҳисобга олувчи, давлат ва аҳолини боғовчи демократик тарздаги жамоат муассасаси эканлигини тасдиқлайди. Фуқароларнинг йиғини очиб овоз бериш йўли билан тегишли ҳужжатларни қабул қилади, уларни қушга киритиш ва умуман йиғинни ҳуқуқ-салохияти, ваколатлари уни аъзоларнинг ҳамда ярашган ортиқ ёки вакиллар мажлиси қатнашчиларининг ушдан икки қисмининг иштироки билан таъминланади.

Шу ўринда фуқаролар фаолият ваколатлари қандай масалалар таҳлили ва ечимига қаратилган. Улар томонидан асосан қайси йўналишларда иш олиб борилади? деган савол туртилади. Маҳаллалар, биринчидан, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокчи таъминлаш, таъриба ва кўникмалар орттиришда кўмак бериш, ўз ҳудудда ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий вазибаларни ҳал этишда аҳолини билиштириш, маданий-оммавий тадбирларини ўтказиш, давлат сиёсатининг жойлардаги ижросини сифатида маҳаллий ҳокимият органларига ёрдам беришга сафарбар этилган.

Иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган ҳолда улар номидан тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига мурожаат қилади. Ушбу ҳудуд аҳолисининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муҳофаза этади. Бу борада маъмур жамоат вакили шаклига эга бўлган муассасадан давлат ваколати юкталган маҳаллий бошқаруви идорасини ажрата билдиш керак. Бироқ улар жойларда ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориладилар, бир-бирларига кўмаклашадилар. Маъмур тартиб-қоида қонунда аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, муҳтож оналарнинг уй-жойдан фойдаланиш ҳаражатлари ва коммунал хизматлари бўйича қарзини моддий ёрдам кўрсатиш тариқасида тўлашда кўмаклашади. Фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органларининг учинчи бир ўзига хос хусусияти - уларнинг жамоа вакили шаклида фаолият юргизишидир. Бунинг маъноси шундаки, фуқаролар йиғини давлат номидан эмас, балки Қонунга биноан муайян ишлар доирасида маълум бир ҳудудий жамоа номидан ҳаракат қилади, яъни вақтда фуқароларнинг жамият раванкига бевосита ҳисса қўшишига имконият яратди.

Кўрайтмиқиз, Ўзбекистонда фуқаролар жамиятини барпо этишда Ўзбекиона демократиянинг устувор бўлишида, ижтимоий адолатнинг қарор топишида ўзини ўзи бошқариш органларига асосий ўрин ажратилган.

1998 йил ноябрь-декабрь ойларидан ўзини ўзи бошқариш органларидан бўлиб ўтган ҳисобот-сайдол йиғиниларининг муҳим белгиси - раис (оқсоқоли) ҳисобот доирасидаги фаолияти ва келгуси вақт учун тузилган иш дастури мувоқамаси, бевосита фуқаролар томонидан баҳо берилишидир. Йиғин ҳужжатларида маҳалла кўмитасининг маънавий фаолияти - сарф ва тушим қисмлари етарли ериштирилиш ва энг муҳлати аҳоли томонидан тасдиқланиши керак. Бу масала тафтиш комиссиясининг ҳисоботида ҳам аниқ равшан қилиб кўрсатилиши лозим.

Кундалик ҳаётимиз ва жамият тараққиётининг деярли ҳамма масалалари, муаммолари маҳаллада намоён бўлади, ўз ечимини топади. Маҳаллада кўни ташкилий ишлари маромида юртилишни ёлтиз қарияларга ва уруш ҳамда меҳнат фахрийларига, кам таъминланган ва болали оналарга ижтимоий-маданий ёрдам, мадд кўрсатиш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ишларини тақомиллаштириш, санитария ва экология, маънавий ва ёшларни мукамал инсон қилиб тарбиялаш масалаларини диққат-этибор тобора охиб бораётгани, бу борада жиҳдий фаолият ва талайгина ишлар қилинаётгани бугунги маҳалла ҳаётини воқелиқидир.

Маҳалла фаолларининг диққат-этиборини ўзига тортган яна бир масала - тўйлар-

ни ва маъракаларга оид тадбирларини ихчамлаштириш, бугунги иқтисодий-маиший меъёрларига, шароитларига мослаштиришидир. Бу тўғрисида тўла-тўқис қўллаб-қувватланади. Уларнинг қиска хулосаси - замона билан, ота-боболаримизни урф-одатлари ва аъёнанилар билан мослашган, уйғунлашган ҳолда яшаб лозим. Бу авваламбор, шухратпарастлик, манманлик, инерфарчилик, ўзгаларни тинчи ва манфатлар билан ҳисоблашмаслик каби иллатларга зарба бериш-ни тақозо этади ва уларни бутунлай жамият ҳаётидан сиқиб чиқаради. Ҳар бир киши ўзини ва атрофдаги оқсоқолларни иқтисодий-маданий шар-шароитлардан келиб чиққан ҳолда юриш-туришни ва рўзгор режасини тузиш даркор.

Жиҳдий, масъулиятни ҳис этадиган, ўқиб ва касб эплашга интилган, яхши-ёмонлигини фарқига етадиган, эсплушули йиғит ва қизлар ёшларимизнинг асарият қисминини ташкил қилади. Лекин ҳеч нарса қизқирмайди, ўзларини ва ўзгаларнинг вақтларини, манфаатлар билан ҳисоблашмайди, бекорчиликка, сенигликчиликка, беэзорликка, ичкиликбозликка, гийёҳандликка-беришган ёшлар ҳам бор. Қонунбузарликларнинг 30 фоизидан ортиғи айнан шундай ёшларга тўғри келади. Демак, биринчи навбатда шу тоифадаги ёшларга нисбатан мунтазам ва изчил тарбиявий иш олиб бориш лозимлиги аёндыр. Бунда «Она» - маҳалла - мактаб» деб номланган бир нечта жамоат ташкилотлари ва вазириклар томонидан ишлаб чиқилган дастур яхши кўмак бўлмоқда. Ихлос ва фаолият билан бу дастурни ҳаётга табиқ қилётган маҳаллаларда ёшлар - йиғит-қизлар муқтақ Ўзбекистонга муносиб билимдон, маданиятли, ислохотларини давом эттира оладиган баркамол инсон қилиб тарбиялаш вазира муваффақиятли амалга ошаётти. Президент Илоом Каримов ташаббус билан жорий йил дериимизда «Соғлом авлод йиғи» деб эълон қилинди. Ишлаб чиқилган маъмур ҳукумат дастурига асосий эътибор ёшларимизни

моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, замонавий билимлар, маърифат ва касб-хунар билан қуроллантириш ва шу билан бир ош-ишуруни зарарли, ёт таъсирлардан муҳофаза қилувчи миллий мафкура ва миллий ғоя билан мустаҳкамлаш каби ўта долзарб масалаларга қаратилганлигини одамни қувонтиради. Шу билан биргаликда айрим фуқаролар йиғинларида маънавий ва маърифат ҳамда ёшларни тарбиялаш масалаларини раис ҳисоботидаги кўрилатган кун жадавалининг охирига қўйилиши уларнинг бажарилишида сустхалик ёки лоқайдликка йўл қўйилаётганини кўрсатади. Бу ниҳоятда долзарб масалаларга тезкор, қаттароқ ва жиҳдийроқ диққат-этибор қаратилиши ўз ўзидан талаб қилади. Маҳалла йиғинида қатнашаётган фуқароларнинг раиш, фикрлари ва овоз беришларининг натижалари маҳалла раисининг танловида ҳал этувчи омилдир.

1998 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайловларда йиғин (Йиғилар) жамоа бошқарувида мутлақ асарият ҳолларда-билими, ҳалол, эл-юртага хизмат қилиш юксак масъулиятини яхши ҳис қиладиган, ҳаётини муайян соҳалардаги етук мутахассислар бўлган фуқаролар сайланган. Уларнинг орасида ҳаёт синовларидан шароф билан ўтган, аччиқ-чучуки бўлган, чиниққан фойдилар ҳамда яратар-шижоатли, ташаббускор, эл хизматига бўлишга азму-қарор қилган ёшлар кўпдир. Олий маълумотли раислар сайловдан савловога ортиб бораётти. Жумладан, Тошкент шаҳрида уларнинг нисбати 80 фоиздан ошиқдир. Аёлларнинг фуқаролар йиғинлари раислигига сайланиши ҳам ўтган сайловга нисбатан ошган.

Маҳаллага бош-қош, оқсоқол бўлиш - бу ерғин, лекин масъулиятли ва шарофли юқдир. Бурчга садоқат ва халққа бўлган меҳр-саҳоват, жонқурлик, ташкилотчилик қобилияти ва маънавий фазилатлар уларнинг йўлини ва эл-юртнинг ҳожатини чиқаришда касбобили вазибаларини осон қилади деб умид билдирамиз.

Шуни айтиш жоизки, ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролар учун идора, бошқарув жамоатчилиги ташаббуси ва фаолияти мактаби бўлиб келмоқда. Бугунги кунда маъмур органларидан фақат расмий вазибаларга - раис, қотиб, (уларга маҳалла ҳокимият томонидан фаол жамоат меҳнатларини рағбатлантирувчи маош ҳам тўланади) ва маслаҳатчилик сифатида 50 мингга яқин киши маданий-маърифий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаларини, ишбилармонлиқни ривожлантирмоқда.

Маҳалла ҳар доим ҳар бир оила, ҳар бир шахс билан имконият даражасида иш олиб бориш учун маънавий салоҳиятга эга бўлган. Ҳозир эса маҳаллаларга ўзини ўзи бошқариш органлари ўзини бошқариш органлари раис ҳисоботидаги кўрилатган кун жадавалининг охирига қўйилиши уларнинг бажарилишида сустхалик ёки лоқайдликка йўл қўйилаётганини кўрсатади. Бу ниҳоятда долзарб масалаларга тезкор, қаттароқ ва жиҳдийроқ диққат-этибор қаратилиши ўз ўзидан талаб қилади. Маҳалла йиғинида қатнашаётган фуқароларнинг раиш, фикрлари ва овоз беришларининг натижалари маҳалла раисининг танловида ҳал этувчи омилдир.

1998 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайловларда йиғин (Йиғилар) жамоа бошқарувида мутлақ асарият ҳолларда-билими, ҳалол, эл-юртага хизмат қилиш юксак масъулиятини яхши ҳис қиладиган, ҳаётини муайян соҳалардаги етук мутахассислар бўлган фуқаролар сайланган. Уларнинг орасида ҳаёт синовларидан шароф билан ўтган, аччиқ-чучуки бўлган, чиниққан фойдилар ҳамда яратар-шижоатли, ташаббускор, эл хизматига бўлишга азму-қарор қилган ёшлар кўпдир. Олий маълумотли раислар сайловдан савловога ортиб бораётти. Жумладан, Тошкент шаҳрида уларнинг нисбати 80 фоиздан ошиқдир. Аёлларнинг фуқаролар йиғинлари раислигига сайланиши ҳам ўтган сайловга нисбатан ошган.

Маҳаллага бош-қош, оқсоқол бўлиш - бу ерғин, лекин масъулиятли ва шарофли юқдир. Бурчга садоқат ва халққа бўлган меҳр-саҳоват, жонқурлик, ташкилотчилик қобилияти ва маънавий фазилатлар уларнинг йўлини ва эл-юртнинг ҳожатини чиқаришда касбобили вазибаларини осон қилади деб умид билдирамиз.

Маҳалла фаолларининг диққат-этиборини ўзига тортган яна бир масала - тўйлар-

ни ва маъракаларга оид тадбирларини ихчамлаштириш, бугунги иқтисодий-маиший меъёрларига, шароитларига мослаштиришидир. Бу тўғрисида тўла-тўқис қўллаб-қувватланади. Уларнинг қиска хулосаси - замона билан, ота-боболаримизни урф-одатлари ва аъёнанилар билан мослашган, уйғунлашган ҳолда яшаб лозим. Бу авваламбор, шухратпарастлик, манманлик, инерфарчилик, ўзгаларни тинчи ва манфатлар билан ҳисоблашмаслик каби иллатларга зарба бериш-ни тақозо этади ва уларни бутунлай жамият ҳаётидан сиқиб чиқаради. Ҳар бир киши ўзини ва атрофдаги оқсоқолларни иқтисодий-маданий шар-шароитлардан келиб чиққан ҳолда юриш-туришни ва рўзгор режасини тузиш даркор.

Жиҳдий, масъулиятни ҳис этадиган, ўқиб ва касб эплашга интилган, яхши-ёмонлигини фарқига етадиган, эсплушули йиғит ва қизлар ёшларимизнинг асарият қисминини ташкил қилади. Лекин ҳеч нарса қизқирмайди, ўзларини ва ўзгаларнинг вақтларини, манфаатлар билан ҳисоблашмайди, бекорчиликка, сенигликчиликка, беэзорликка, ичкиликбозликка, гийёҳандликка-беришган ёшлар ҳам бор. Қонунбузарликларнинг 30 фоизидан ортиғи айнан шундай ёшларга тўғри келади. Демак, биринчи навбатда шу тоифадаги ёшларга нисбатан мунтазам ва изчил тарбиявий иш олиб бориш лозимлиги аёндыр. Бунда «Она» - маҳалла - мактаб» деб номланган бир нечта жамоат ташкилотлари ва вазириклар томонидан ишлаб чиқилган дастур яхши кўмак бўлмоқда. Ихлос ва фаолият билан бу дастурни ҳаётга табиқ қилётган маҳаллаларда ёшлар - йиғит-қизлар муқтақ Ўзбекистонга муносиб билимдон, маданиятли, ислохотларини давом эттира оладиган баркамол инсон қилиб тарбиялаш вазира муваффақиятли амалга ошаётти. Президент Илоом Каримов ташаббус билан жорий йил дериимизда «Соғлом авлод йиғи» деб эълон қилинди. Ишлаб чиқилган маъмур ҳукумат дастурига асосий эътибор ёшларимизни

моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, замонавий билимлар, маърифат ва касб-хунар билан қуроллантириш ва шу билан бир ош-ишуруни зарарли, ёт таъсирлардан муҳофаза қилувчи миллий мафкура ва миллий ғоя билан мустаҳкамлаш каби ўта долзарб масалаларга қаратилганлигини одамни қувонтиради. Шу билан биргаликда айрим фуқаролар йиғинларида маънавий ва маърифат ҳамда ёшларни тарбиялаш масалаларини раис ҳисоботидаги кўрилатган кун жадавалининг охирига қўйилиши уларнинг бажарилишида сустхалик ёки лоқайдликка йўл қўйилаётганини кўрсатади. Бу ниҳоятда долзарб масалаларга тезкор, қаттароқ ва жиҳдийроқ диққат-этибор қаратилиши ўз ўзидан талаб қилади. Маҳалла йиғинида қатнашаётган фуқароларнинг раиш, фикрлари ва овоз беришларининг натижалари маҳалла раисининг танловида ҳал этувчи омилдир.

1998 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайловларда йиғин (Йиғилар) жамоа бошқарувида мутлақ асарият ҳолларда-билими, ҳалол, эл-юртага хизмат қилиш юксак масъулиятини яхши ҳис қиладиган, ҳаётини муайян соҳалардаги етук мутахассислар бўлган фуқаролар сайланган. Уларнинг орасида ҳаёт синовларидан шароф билан ўтган, аччиқ-чучуки бўлган, чиниққан фойдилар ҳамда яратар-шижоатли, ташаббускор, эл хизматига бўлишга азму-қарор қилган ёшлар кўпдир. Олий маълумотли раислар сайловдан савловога ортиб бораётти. Жумладан, Тошкент шаҳрида уларнинг нисбати 80 фоиздан ошиқдир. Аёлларнинг фуқаролар йиғинлари раислигига сайланиши ҳам ўтган сайловга нисбатан ошган.

Маҳаллага бош-қош, оқсоқол бўлиш - бу ерғин, лекин масъулиятли ва шарофли юқдир. Бурчга садоқат ва халққа бўлган меҳр-саҳоват, жонқурлик, ташкилотчилик қобилияти ва маънавий фазилатлар уларнинг йўлини ва эл-юртнинг ҳожатини чиқаришда касбобили вазибаларини осон қилади деб умид билдирамиз.

Шуни айтиш жоизки, ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролар учун идора, бошқарув жамоатчилиги ташаббуси ва фаолияти мактаби бўлиб келмоқда. Бугунги кунда маъмур органларидан фақат расмий вазибаларга - раис, қотиб, (уларга маҳалла ҳокимият томонидан фаол жамоат меҳнатларини рағбатлантирувчи маош ҳам тўланади) ва маслаҳатчилик сифатида 50 мингга яқин киши маданий-маърифий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаларини, ишбилармонлиқни ривожлантирмоқда.

♦ МАҲАЛЛАМИЗ ОДАМЛАРИ **ОИЛА ШАРАФИ**

- Тобшоёвлар сулоласи билан ўтказилган учрашуви, айниқса, ёшларда катта таассурот қолдири, - дейди суҳбатдошим, фуқаролар йиғини раиси Хушвақт Азизов. - Негаки маҳалла фахри улар. Бари ўқимлики одамлар, бири-биридан ўткир, зукко. Меҳнатсеварликни ҳам, ватанпарварликни ҳам ва бошқа ахлоқий фазилатларини шулардан ўрганса арзийди.

Чори ахалини қўлга буён танайман. Кўнгли очик, хуш-фез, меҳмондўст одам у. Суяғи меҳнатда қотган. Яйлов кезиб, мол ҳам боққан. Далага чиқиб, галла ҳам ўрган, бригадалда табелчилик қилган. Фермада мулди ҳам ишлаган. Хўжаликда хазиначи, омборга мулди бўлиб ҳам ишлаган. Унга қайси вазирафони лозим топса, йўқ сўзини айтмаган, ишончини оқлашга ҳаракат қилган. Эл ризқига кўз олайтирмаган. Муқом бугуннинг эртаси бор, деб юрган. Мисқолаб йиққан обрусини, эл орасидан икромини ўйлайди. Чори ака Тобшоёвлар сулоласининг фахри. Оғайиллари ва уларнинг фарзандлари ҳам Чори ақалининг суяғи икки-иккилайди, у чизган чиққандан чиқмайди. Ахир, Ч.Тобшоёв уларга ёмонлиқ

\* **Кийилган кийимга эгасининг руҳи ўтармиш**  
 \* **Уйма-уй юриб тақинчоқ таққан қиз**  
 \* **Хусусий «қулоқтешар»ларда тиббий билим йўқку?**

Санам момом шундай дейди: «Урушдан кейинги йилларда одамлар бироз кийилиб қолишди. Кимга бир бурда нон, кимга бир парча мато азиз бўлди. Уша кезларда зарурат учун бирор жойга борадиган аёл қариндоши ё кўчинисининг кийимини омонатга олиб турар ва бу нарса айб саналмасди. Энди-чи, дастурхонимиз тўла ноз-неъмат, уйимиз тўла кийим-кечак. Шундайям айрим қизлар тўй кўйлагини ижароналардан омонатга олармиш. Таваба, бу муборак кун учун узларни кийим тибки кийишса бўлмасмикин?!»

Яқинда эшитиб қолдим. Маҳаллага чарларига қақирилган келинчақлар дугоналаридан уч-тўрт хил тилла тақинчоқларни қарзга олиб, борармиш. Менинг соддагина момом мана шу «янгилик»ни ҳам эшитиб қолса, нима деркин?!

Радио хабарларида айтилишича, Жанубий Америкада ўта очик ва калта либос кийган аёлларга катта жарима солиш ҳақида давлат раҳбарининг махсус фармони эълон қилинди. «Демак кийинишга шахсий иш деб қарамаслигимиз керак экан-да!» дея ўйлади шунда.

Шаҳар ва қишлоқларда кийимга муносабат бир-бирдан мутлақо фарқланади. Шаҳарликлар кўчалик либос учун одмироқ матолини танлашади, қишлоқлик қиз-жувонлар эскича, ёрқин, рангдор, сунъий ипдан тўқилган ялтироқ газламаларни ёқтиришади. Билшимизча, бун-

дай газламаларнинг бир кийимлиги хорижда 2-3 доллар, аксинча олдий пахта ипдан тўқилган матоларнинг бир кийимлиги эса 11-12 доллар тураркан. Сабаби, бизда анчагина қимматга сотиладиган ялтироқ кийимлар ҳаво ўтказмайди, саломатлик учун зарарли. Мутахассис шифокорларнинг таъкиллашича, аёллар ўртасида экстрогенитал хасталиклар ва камқонликнинг кўпаяётгани уларнинг кийиниши билан алоқадор экан! Чунки, сунъий либосларни кун бўйи кийиб юрган аёлнинг танаси ўзига керакли кислородни оломайди, натижада хасталикка чалинади...

Момоларнинг гапларига кўра, кийилган ҳар битта кийимга эгасининг руҳи ўтиб қоларкан. Шунинг учун ҳам қалимда норасида тўдақларнинг кўйлақчалари, келинчақларнинг чилла даврида кийган либослари жуда эҳтиёт қилинган. Эскирса ҳам ташлаб юборилмаган. Негаки, момоларимиз «кийим-кечак ножоиз ерларга ташланса, эгасининг руҳи қийналади» деб ўйлашган. Шундай экан, бўлгуси келинчақлар никоҳ кунини ҳашамдор ва қимматбаҳо, лекин «би-ровники» бўлган кўйлакни кийиш ўрнига, ўзларига арзон ва нафис матодан либос тиктирсалар, сўнг уни мунчоқлар, зарли ҳошиялар билан безатсалар қанчалар саз иш бўларди.

...Маҳаллалардан бирида қиз чарлари бўлди. Уша кунги бу тантанана қизининг яқин ду-

гонаси жуда кечкиб кетди. Сал нафасини ро-стлаб олган, у ёнидаги шеригига «Уйма-уй юри-вериб ушланиб қолдим» деб шивирлади. Қизнинг бўйинидаги қат-қат тилла занжирлару бормоқларидаги қатор узукларга кўзи тушган ше-риги гап нимадалигини дарров фаҳмлади. Кейинги пайтда бу хил воқеаларни негидир кўп эшитяпмиз. Дугоналарининг гоҳ унисидан, гоҳ бунисидан тилла тақинчоқлар сўраб олиб, сўнг уларни тақиб тўйга боришдан мақ-сад нима экан, аслида?! Бу ўзгалар олдида мақ-танчоқлик қилишимиз?! Ахир бу маънавий қаш-шоқликдан дарак бермайдими?!

Илгарилари келинчақлар илк фарзанд кўр-ганида унга ҳалолик рамиз сифатида бир до-на узук ҳая қилинган. Бугунги кунда эса аёл-ларгина эмас, балки қизалоқлар ҳам тақинчоқ-ларга ўзгача қизиқиш билан қарашади. Ўсмир фарзандларининг туғилган кунлари ё мактаб-ни битиришига олтин соат ва тилла буюмлар совға қилишгаётган айрим ота-оналар эса бу хил қизиқишининг янада ортишига сабабчи бўл-моқдалар. Эндиликда бирваракайига бир неча хил зирак ё узукларни қаторлаштириб тақиб олиш гўёки бугунги кун учун урф бўлган эмиш...

Метрода ёнимда ўтирган қиз мендан ни-манидир сўради ва шу баҳона у билан суҳбат-лашиб қолдик. Шунда кўзим тушди, у қулоқ-

◆ ШАХСИЙ ВА УМУМИЙ МУАММО

# ИЖАРАГА ЯСАНГАН ҚИЗ

ларига уч жуфтдан зирак тақиб олганди. Ажаб, момоларимиз итгани обдон қайнатиб, икки-уч яшар қизалоқларнинг қулоқларини тешиб, ип ўтказар, ип ўрни тузалган, кичкина зирак тақиб қўйишарди. Ҳозир эса кап-катта қизлар ҳам қулоқларининг бир неча жойидан тешиб... Охири ўзидан сўраб кўя қолдим: «Қулоқларингизни тешганлариди оғримадими?»

- Хар қаламда «қулоқтешар» жойлар бор-ку, - деди у. - Пулини тўласангиз бас, бир-паста қулоғингизни тешиб, зирагингизни тақиб ҳам қўйиладин. Оғриги ҳеч билинмайди.

Ажаб! Ахир қулоқда жуда кўп нерв тола-лари жойлашган. Кўпгина хасталиклар шунинг учун ҳам қулоққа муолажа қилиш йўли билан даволанади. Кўча-кўйдаги хусусий «қу-лоқтешар» жой соҳиблари бундан хабардорми-кинлар? Агар беҳабар бўлсалар-чи? У ҳолда тақинчоқларни «урфга қараб тақатган қизги-нанинг ҳолига воё эмасми?!

Яна бир гап. Агар одамда бирор нарсегача қизиқиш ўта кучайса, бошқа бир нарсегача бўл-ган қизиқиш сал сувайиши мумкин. Зебу зийнатларга ўч бўла борган қизалоқларда ки-тоб ўқиш, илм эгаллаш, маънавий оламни бойитиш бошқа хил янгиликларга иштиёқ камайиб кетмасмикин деган хавотир пайдо бў-лади кишида...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

# СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

- **Менинг турмуш ўртоғим жиноят содир этиб қамалиб қолди. Суд ҳукми чиққан, уни қамоққа олиб кетишди. Орадан икки ярим ойдан кўп вақт ўтди ҳамки ундан на бирон-хат ёки хабар олмадим. Суддан ва милиция бўлимида ҳам турмуш ўртоғимни қаерга олиб кетишгани тўғрисида ҳеч қандай маълумот ололмадим. Бунни қаердан билиш мумкин?**

С.Зоирова. Қашқадарё вилояти.

Турмуш ўртоғингизнинг қаерга олиб кетилганини бил-домаслигингиз сабаби шундаки, суд жиноят содир этган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини белги-лаганда фақатгина жазо тури ва уни ўтатиш тартибини кўрсат-тади ҳолос. Маҳрум жазони қайси ва қаерда жойлашган муас-сасида ўтатиш эса Ички ишлар вазирлиги томонидан белги-ланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Шу ерда яна бир ҳолат, шахс жиноят содир этган бўлиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда (тергов ҳибсхонасида) сақланаётган бўлса, тергов ҳаракатлари тугатилиб то суд ҳукми чиқиб, у қону-ний кучга киргунча шу ерда сақланади. (шунингдек, суд залининг ўзида қамоққа олинганлар ҳам).

Ҳукм қонуний кучга кирган, суд бу тўғрисида тергов ҳибс-хонаси маъмуриятига хабарнома юборди. Ҳибсхона маъму-рияти хабарномани олган кундан бошлаб ун кун ичида маҳ-куми жазони ўтатиш учун жўнатди ва бу тўғрисида маҳкумин-инг оиласига ун кун ичида хабар юборди.

Маҳкум жазони ижро этиш муассасасига етиб келган, ушбу муассаса маъмурияти у етиб келганлиги ҳақида ҳукм чиқарган судга ун кун ичида маълум қилиш, шунингдек, маҳкумининг оиласига муассаса манзилини кўрсатиб, ёзиш-малар, учрашув, посылкалар ва бошқа шу каби ҳуқуқларини тушунтириб хабарнома юбориши шарт.

- **Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олаётган аёл янги турмуш қурганда пенсия олиши давлат эътиборида?**

Д.Қиёмова. Сирдарё вилояти.

Боқувчининг вафот этганлиги сабабли тайинланган пен-сияни олиш ҳуқуқи уни олаётган шахс (эр ёки хотин) янги никоҳдан ўтганидан кейин ҳам сақланиб қолади.

- **Агар ходим касалликка чалиниб, касалхо-нада доволанаётган бўлса, корхона маъмури-рути ходимни ишдан бўшатми тўғрисида қарор қабул қилиб, меҳнат дафтарчасини почта ор-қали жўнатиб юбориш мумкинми?**

Ш.Қорабеков. Фарғона вилояти, Қирғули тумани.

Корхонанинг бутунлай тугатилган ҳолатлардан ташқари, ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги даврида ва ко-нунда назарда тутилган таътиллардан бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қи-лиши мумкин эмас (МК 100-м). Агар шу тартибга риоя этилмаса бўлса тегишли равишда судга мурожаат этиш ло-зим.

Ўқоридидаги ҳолатлардан ташқари меҳнат шартномаси хо-димнинг айбани ҳатти-ҳаракатлари натижасида бекор қилин-ганда ҳам агар ходим меҳнат дафтарчасини олганда бўлса, меҳнат дафтарчасини ва ҳисоб-китоб варақасини олиб кети-ши ҳақида иш берувчи ходимга ёзма равишда хабарнома юбориши шарт.

- **Оилавий шароит ёки бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан ишлаётган жойи шартлари тўғрисида қарор қилмади, ишчи вақтинча иш соа-тини қисқартириш ёки иш шароитини ўзгар-тириш тўғрисида талаб қилиши мумкинми?**

Н.Уртинбоева. Тошкент вилояти.

Ходим меҳнат тўғрисидаги қонуналар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда иш берувчи меҳнат шартинларини ўзгартириши талаб қилишга ҳақида.

Иш берувчида қилинган мурожаат уч кун ичида қўриб чиқилади.

Агар ходимнинг ушбу талаби рад этилса, иш берувчи рад этиш сабабларини маълум қилади (бунинг сабабларини маълум қилмаслик ходимнинг иш шартинларини ўзгарти-риш рад этилганлиги хусусида юқори турувчи идората ёки судга шикоят қилишига тўсқин бўла олмайди).

Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги ил-тимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар билан келиб чиққан бўлса ва бундай иш корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак.

Иш шартинларини ўзгартириш ходимнинг соғлиги ҳолати тўғрисидаги маълумоти сабабли вуқудга келган бўлса, иш бе-рувчи тиббий ҳулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай ана шундай ишларга ўтказиши шарт. Шунингдек, тиббий ҳулосага мувофиқ ҳолатлар аёллар, икки ёки тўла-маган боласи бор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари қамийтирилади ёки аввалги иш жойлариданги ўртача ойлик иш ҳақлари сақланган ҳолда енгилроқ ишга ўтказилади.

Уч ёшга тўлмаган боласи бор, бюджет ҳисобидидаги таш-килот ва муассасаларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафталигида ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартirilган муддат белгиланади. Бундан ташқари, ҳимоядор аёлларга, 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон фарзан-ди) бор аёлларга, ҳомийлигида шундай боласи бор аёлларга ёки оиласида бетов аъзоини парвариш қилиш билан маш-ғул бўлганларга тиббий ҳулосага кўра тўлиқсиз иш вақти ёки тўлиқсиз иш ҳафтаи белгилиниши мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.

# МАҲАЛЛА СОЛИҚЧИСИ

Жуманазарнинг ким эканлигини шаҳардаги қарийб 4 минг хонадон соҳибларидан сўрасангиз, айтадилар.

Совуқ қиш кунларида, жануб сара-тонининг беаёв иссиғида «Нексия», «Вол-га» ларни эркатой ўғилчалар катта тез-лика учириб бораётган кезлари, қўш-қаватли уйлар оралигида довлларга олиб борадиган йўлақларда гоҳо шитоб бил-дан, гоҳида эса ҳорин, маънос бораёт-ган пилдани – Жуманазарни балки уч-ратгандирсиз.

Намунали участка солиқ инспектори бўлиш учун нафақат ўз касбини ҳар то-монлама билиш, нафақат жисмоний қув-ватли бўлиш, балки руҳан ҳам метин-дек чиниққан бўлиши керак, экан одам. Айтайлик, уй-жой, мол-мулк солигини сўраб бир хонадонга ўн беш марта, ўн саккиз марта киришга тобингиз қалай?

Қарийб икки йил давомида Жума-назар шаҳардаги Алишер Навоий ма-ҳалласига солиқ инспектори бўлди. 58 та кўпқаватли уй ва 265 нафар хона-дондан солиқ тўплади, яъни 1818 та хонадондан мол-мулк, уй-жой солиғи йиниб топшириш унинг зиммасида эди. 1998-1999 йилларда у йиллик режа-ларни бажарди. Бир сўм ҳам боқиман-далик суммаси қолмади. Агар эринмай-сўрасангиз, А.Навоий маҳалласидаги хо-

# ◆ МАҲАЛЛАГА ДАХЛДОР КАСБ УНИНГ ИШИ ОСОНМИ?

Илнинг тўрт фаслида ва одамларнинг бир соатда тўрт фаслага айланади-ган пайтларида солиқ йиғиётган Жума-назарга қувват бераётган манбаа қаерда деб ўйлайсан, киши, тўғри, чораклик ва йиллик режаларни удаллагани учун бош-лиқлар кифтини келтириб мақташади, йингиларда тилга олишади. Лекин бу-нинг ўзи яхши ишлаш учун қамлик қи-лади. Агар Жуманазарнинг ўзидан сўра-сангиз, «одамларнинг орасида юриб иш-лашдан завқланаман» дея аввалги гапи-ни такрорлайди. Лекин биз бошқачароқ ўйладик: яхши ишлаётганлиги, режаларни вақтида бажараётганлиги учун инспек-ция томонидан ойма-ой, чоракма-чорак мукофот пуллари берилаётган бўлса ке-рак.

Сўхбатимиз поёнига етаркан, бир не-ча йилдан биз аёли, болалари билан ижарада яшаб юрган ва тонгдан шомга-ча пою пиёда, уйма-уй юриб солиқ йи-гаётган фидойи йигит Жуманазар Чо-ревнинг шаҳарда ўз уй бўлишини, минишга улови бўлишини ўзимизча ис-тадик.

Хусусан, жорий йилнинг олти ойи давомида вилоятдаги 15 минг 766 та кам таъминлан-ган оилага 46 миллион 853 миң 600 сўм бера бошланди. Кейинчалик бу йўналишдаги ишлар кўлами ана ҳам кенг ми-кёс касб этди. Айнанча, Пре-зидентимиз томонидан 2000 йил - Соғлом авлод йили, деб эълон қилиниши шу муносабат билан ҳукуматимиз қарор қабул қил-гани бор борада амалга ошири-лаётган ишлар узвийлигини ана бир кайра исботлади. Бу ўз на-батиди барча корхона ва таш-килотлар қатори банк муасса-салари зиммасида ҳам катта масъулият юклатмади.

Бошқармаимиз, унинг шаҳар ва туман бўлиmlари ходимлари масъулиятини эсга олган ҳол-да, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларини тў-лади, болали оилаларга нафа-қалар бериш, аҳоли омонатла-

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ, «Mahalla» муҳбири.



ТАНТАНАЛАР ТЎЙГА УЛАНДИ

Байрам барамга уланса қандай соз. Пойтахтнинг Шайхонтохур тумани Шоймол Шобулов номи маҳалла ҳам шундай бўлди. Мустақилликнинг 9 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаная маҳаллага кам таъминланган оилалардан ўн нафар ўг-лоннинг хатна тўйига уланиб кетди. Маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан илк бор мактаб остонасига қадм қўётган ўг-ити нафар ўғил-қизга мактаб либослари ҳая этилди.

Тўкин дастурхон атрофида, санъаткорларнинг дирабо куй-қўшиқлари оғушида ўтган тантаналар болақонларнинг хотирасида бир умрга муҳралиб қолиши тайин.

Суратда: «тўйболалар».

# ЭРУ ХОТИННИНГ УРИШИ КИМНИНГ ТАШВИШИ

Шу йилнинг кейинги уч ойи давоми-да Жамол туман хотин-қизлар кў-митасига жами 180 та ариза туш-ган бўлса, шундан 130 дан ортигини ижобий ҳал этдик. «Соғлом авлод» давлат дастурини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида туман халқ судига ажримлар учун берилаётган аризалар-ни олдин оилавий жанжал сабаблари-ни ўрганиб чиқиб, уларни яраштириш-га ҳаракат қилаяпмиз.

2000 йилнинг биринчи чорагида суд томонидан ажрим-лар сони 21 та бўлса, иккинчи чоракда икки баробар ка-майди. Баъзи ўрилларда ўтган 1999 йилда суд томонидан ажрим чиқарилган, лекин аёл, фарзандлари борлиги учун қайта ярашиш учун ариза берганини инобатга олиб, улар-ни яраштириш учун бор имкониятлардан фойдаландик. Ав-валига алоҳида-алоҳида, кейинчалик биргаликда, оилада, қариндош-уруғ, маҳалла билан ҳамкорликда суҳбат ўтказдик ва оила тикланди. Тўрт нафар фарзанд етимлик нималигини билмай ўсалган бўлди.

Ажрим учун ариза бераётган оилаларни ўрганишимизда аксарияти 25-30 ёшлардагилар эканлигининг тўғриси бўла-ми. Уртада 3-4 тагача фарзанд бор. Жанжд сабабларини аниқлаганимизда ажрим учун ҳеч қандай етарли асос йўқли-гини кўрамиз.

Маҳалла оқсоқоллари фидойи инсон сифатида ҳар бир оилани, унинг муаммосини чуқур билсагина ўша жойда аж-римлар кам, муаммо ҳам келиб чиқмайди.

Энг кўп ариза Гулистон, Шерқўрғон, Қангли фуқаролар йиғини ҳудудидида маҳаллалардан тушганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Қизларни турмушга узатишда қариндош-уруғ кўда бўли-ши олдини олиш, жуда ёш турмушга бермаслик бўйича Эсон-турдаев номи, Ширинкент, Газира маҳаллаларида йиғилиш ўтказилади.

Еш келин-куёвларни турмуш қуришдан олдин мутахас-сис кўригидан ўтказиш учун туман марказий шифохонаси қошида махсус кўриқдан ўтказуви хоналарни ташкил этиш ва уларни етакчи мутахассис билан таъминлаш режаси тузиб чиқилади.

Бундан кейин ҳар бир келин-куёв оила қуришдан олдин тиббий кўриқдан ўтатиш лозим. Бу ишда аризаларни қабул қиладиган фуқаролар йиғини раислари, ФХДБ бўлими, мар-казий шифохона мутахассислари ҳамкорликда иш олиб бо-риши кўзда тутилган.

ФХДБ бўлими қошида ҳам психолог, гинекологлардан иборат катта бир гуруҳ фаолият кўрсатади.

Демак бугунги бизнинг асосий вазифамиз, бўлажак ои-даларнинг мустақкам бўлиши, соғлом авлоднинг ўсиши учун шароит, замин яратишдан иборат экан.

Ҳафиза УСАРОВА, Жомбой тумани.

# ◆ БАНК ТИЗИМИ: ЯНГИ ДОВОНЛАР ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

Сирдарё вилояти давлат-тижорат халқ банки бошқармаси бошлиғи Комилжон Қаримов билан суҳбат.

- Бугунги кунда вилоят хал-қ банки тизимида амалга оши-рилаётган ишлар ҳақида тўхта-сангиз?

- Истиклолнинг дастлабки даврилдан эътиборан мамлакатимиз-да аҳолини ижтимоий қи-мом қилиш масаласига алоҳида эътибор бера бошланди. Кейинчалик бу йўналишдаги ишлар кўлами ана ҳам кенг ми-кёс касб этди. Айнанча, Пре-зидентимиз томонидан 2000 йил - Соғлом авлод йили, деб эълон қилиниши шу муносабат билан ҳукуматимиз қарор қабул қил-гани бор борада амалга ошири-лаётган ишлар узвийлигини ана бир кайра исботлади. Бу ўз на-батиди барча корхона ва таш-килотлар қатори банк муасса-салари зиммасида ҳам катта масъулият юклатмади.

Бошқармаимиз, унинг шаҳар ва туман бўлиmlари ходимлари масъулиятини эсга олган ҳол-да, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларини тў-лади, болали оилаларга нафа-қалар бериш, аҳоли омонатла-

риш ишларини олиб бордик. Бинобарин, бу йил 314 ми-лион сўм индексация маблағи тўлашини кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Халқ бан-ки томонидан юридик ва жис-моний шахсларга қўйлаб тур-лати омонат хизматлари кўрсат-илимоқда. Нақд пулсиз комму-нал тўловлари ўтказиш, солиқ ва жўрмаларни қабул қилиш, аҳолига қимматли қозғолар, пул-бутом лотереяларини со-тиш, налота ҳисоби бўйича му-омалаларни амалга ошириш шу-лар жумласидан.

Халқ банкнинг шаҳар ва туманлардаги бўлиmlари фао-лияти ҳақида сўзлаб берамиз?

- Бугунги кунда вилоятимиз-да банкнинг 11 та шаҳар, туман бўлиmlари мажмуида Ашқабат, кириб бир хизмат учун маҳал-ла оилаларимиз туман, шаҳар марказидида жамғарма банклар-ига вақт сарфлаб овора бўлиб борадилар. Энди эса ҳар бир қишлоқ марказида, кичик ма-ҳаллаларда ҳам банкнинг шаҳоб-чалари ишлаб турибди. Бунинг

индексация қилиш, пен-сиялар тарқатиш каби вазифа-ларини бенефсон бақариб ке-лмоқдалар.

Хусусан, жорий йилнинг олти ойи давомида вилоятдаги 15 минг 766 та кам таъминлан-ган оилага 46 миллион 853 миң 600 сўм бера бошланди. Кейинчалик бу йўналишдаги ишлар кўлами ана ҳам кенг ми-кёс касб этди. Айнанча, Пре-зидентимиз томонидан 2000 йил - Соғлом авлод йили, деб эълон қилиниши шу муносабат билан ҳукуматимиз қарор қабул қил-гани бор борада амалга ошири-лаётган ишлар узвийлигини ана бир кайра исботлади. Бу ўз на-батиди барча корхона ва таш-килотлар қатори банк муасса-салари зиммасида ҳам катта масъулият юклатмади.

Бошқармаимиз, унинг шаҳар ва туман бўлиmlари ходимлари масъулиятини эсга олган ҳол-да, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларини тў-лади, болали оилаларга нафа-қалар бериш, аҳоли омонатла-

риш ишларини олиб бордик. Бинобарин, бу йил 314 ми-лион сўм индексация маблағи тўлашини кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Халқ бан-ки томонидан юридик ва жис-моний шахсларга қўйлаб тур-лати омонат хизматлари кўрсат-илимоқда. Нақд пулсиз комму-нал тўловлари ўтказиш, солиқ ва жўрмаларни қабул қилиш, аҳолига қимматли қозғолар, пул-бутом лотереяларини со-тиш, налота ҳисоби бўйича му-омалаларни амалга ошириш шу-лар жумласидан.

# ◆ МУШТАРИЙ СЎЗ СЎРАЙДИ

## БИЗ ТАНЛАБ ЎҚИЙМИЗ ВА «МАНАЛЛА»НИ ЎҚИЙМИЗ

Газета-журналларга мажбуран обуна қилдирадиган за-монлар ўтиб кетди. Қолаверса, муштарийлар ҳам аввалги «етапга» одамлар эмас. Чертиб-чертиб, танлаб-танлаб ўқийдиган бўлдилар. Бу нарса яхшими ёки ёмонми? Йахши-да, албатта.

Газета шу қадар ранг-баранг, мазмунли, дунёдаги турли хил воқеа-ҳодисаларни одамларнинг кайфиятларини ўзида аке-эттиратадиган бўлиши керак. Шундагина газетанинг ҳар бир сонини одам илҳақ бўлиб, соғиниб кутаётган бўлади.

«Mahalla» газетаси бизнингча шундай талабда мосланиб бормоқда. Газета бизнинг нафақат дунёвий, балки билим, та-савууримизни кенгайтираётгани яхши. Мамлакатимизда олиб борилаётган қайридан ишлар ҳақида маълумотлар бераётгани ҳам маъқул. Шу ўринда бизнинг ҳам баъзи тақдирларимиз бор. Бизнинг-ча, газетанинг кучи, мавқеи таъкидлий мақодаларда ҳам кўринад.

Ростуғи гаплардан, адолатли танқидлардан қоч-маслик керак. Биз каби олдий муштарийларини машур ва танқид одамларнинг яшаш тарзи, оилавий ҳаёти ҳам қизиқ

◆ ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ Фозил қори Ёсин ўгли СОБИРОВ

29. ОТАЛАР ОГОҲАЖКА, НИМОНГА КЕЛМАЖИ-КА, АЗОБАЛАРАН САЖААНИНГА ТУРАЛМАЙ

Оллоҳ таоло «Юнус» сура-сида дейдики, «Шундай инсон-лар, одамлар, зотлар ўлдирди, уларга азоб бўлишди вакиби бўлди. Шунча оятлар келди, уларга огоҳ бўлишди, аймонга келишди ва азоблардан ўз-ларини сақлашди деган бўлди. Ва улар бунга кирмадилар. Аламли азобларни кўрдилар. Буларнинг ҳақиқати эришганини, осмондан тошларни ёишларини кўриб, «ло!» деб аймонга келишди, лекин кўрач, қилган ибодатлари ино-батта олинмади.

Юнус Пайгамбар ҳикоясини кўп эшитгансиз, биз ҳам озорқ тушунақ бериб ўтган бўламиз. Юнус алайҳиссалом қавмлари-га Пайгамбар бўлиблар. Ҳеч ким аймонга келмади. Бир ўз ким деган бўлиблар. Ҳамма шаҳар аҳли устиларидан кулади. Шунда Оллоҳдан ваҳий келидики, «Кирк кундан кейин бу ша-ҳарга ҳама юбораман». Бир катта мамлакатнинг пойтахти экан. Юнус пайгамбар одамларга ай-диллар, отоҳ келди. «Кирк кунда аймонга келмасангиз, бо-шингизга бало келиши», - деб пош-тоҳта ҳам айдилар.

Поштоҳта Юнус алайҳиссаломни қўйиб, лекин: - Аввал келсин уша бало, ёлгон-яшиқ гапларинг билан бо-шимизни қотирма. Яна ҳамма кудли. Балонинг келишига уч-тўрт кун қолган Юнус алайҳиссалом узлари шаҳардан узоққа чиқиб кетдилар. Бундай қарасал-лар то томондан уша бало ке-ладиган кундан бир кун илгари қора бир нарса келатган эмиш. Бу булут эмаслигини бошқалар ҳам сезиб тушунишди. «Бугун қирқинчи кун, уша Юнус деган одам айтан бо кўриниб қол-ди шеклиди, бир қора нарса ке-ляпти», дейишди. Подшоҳлари ақли одам экан. «Уша Юнус ҳақиқатдан ҳам Пайгамбар экан, унинг айтганлари ҳақ экан, биз адашганимиз, тоғиб келинг уни!» дебди. Шаҳарни қидириб Юнус

Ислому дини - эзулик манбаи. Ундан қора ниятлар йўлида фойдаланиш гумроҳликдир.

Пайгамбарини топиша олмади. У киши чиқиб кетди-лар-да, ҳам-ма хайрон. «Энди нима қила-миз, намозни, ибодатни қилма-дан ўрганамиз?» Одамлар парокан-лаликка тушиб қолди. Шунда пош-тоҳ айтди, «Ҳамма нарсасдан ке-чинг, пулу молларингизни таш-ланг, эски кийимларни кийинг, мен ҳам тожлан келдим, бир та-нга ҳам пул олмаг», - деб бутун шаҳарга фармон берди. «Бошин-гизга бало келаяпти, йиққан тил-лоларни, бойликларни ерга таш-ланг. Оллоҳга ибодат қилиш учун дунёга ҳис қўймаслик ке-рак», леги поштоҳ. Ҳамма эски кийимларни кийди. Одинага бо-лалар, кетидан қариялар, ҳам-малари бир мусаллога ўхшаган маймонга тулпанишди. «Дол Ол-лоҳ, биз алашган бандаларни ке-чир», - деб йиғлаб-йиғлабди. Оллоҳ айтди, «Бу нолаларга азоб беролмайман, булар азобини та-тимай, ер ёримай, балоларим-дан кўриб, авф сўраяпти. Жа-ҳаннамга қайтиб кетгин. «Эй ба-ло» леги Оллоҳ. Бало қайтиб кетди. Ҳаммалари мусулмон бўл-ди-ю, «Ла илоҳа иллоллоҳ» дей-ди-ю, у ёнга нима қилиш ке-рак, билдишмасди. Инги-нола, амал, дунё билан ишлари йўқ. Ҳамма нарсаларни ташлаган. Оллоҳ шунинг учун дуоларини қабул қилди. Чунгизга бир оз олтин танга солиб қўйиб, «Ха-ли бало кетса ишлариман», де-мадилар-да, ҳалитдан Оллоҳга шаҳодат келтиришди. Энди Юнус алайҳиссалом ҳам босиб, шаҳарда энди ҳеч ким қолма-дилар», - деб узоқдан секин на-зар солдилар. Ҳаммаси жойида.

Шаҳар гавжум. «Эй, энди бу одамлар мени ёлгончи деб ўл-диради. Балолар келмади-ку», дейишди, деб кўриб кетиб, қо-чдилар. Ва денгизга бир қайқ-қа тушиб жўнайдилар. Бу ҳақиқат ривоят «Анбиё» сура-сида келади, кейинроқ. Кўрагингизми, Оллоҳнинг бан-далари экан-да ўшалар ҳам. Пайгамбарнинг гапига кирма-ган бандалар ҳам астойдил чаш-ми гирён қилувчи, «Уларни та-вбасини қабул қилдим», «Ба-ло-ни жаҳаннамга қайтариб юбордим» деяпти Оллоҳ. Шу воқеадан кейин энди Пайгам-баримизга Оллоҳ айтаяптики, «Эй Ҳабибим, агар Оллоҳнинг хоҳласа ер юзидати ҳамма аймонга келади. Тупроқдан жон пайдо қилган зот, сувдан ўт чиқарган зот, ловулатиб югузларини ёқиб қўйган зот, битта гумроҳни мусулмон қил-дира олмайдими?» Оллоҳга осон, ҳаммаси осон. Лекин и-тиҳон қилиш учун, сизу бизни ана шундай қилиб қўйибди. Кундузи яратди, кечани ярат-ди. Кундузининг борлиги учун кечанинг нима эканлигини бил-ласиз. Ёз борлиги учун қиш нима эканлигини биласиз. Азоб борлиги учун дўзах борлигини биласиз. Роҳат борлиги учун жаннат борлигини биласиз. Илми, билимдон юртошлари-нга сўзимиз шукки, сиз мана шундай, жоҳил, алашган одам-лар орасида яшаб, Оллоҳ ди-лингизга ҳилоят солган бўлса, шу эътиқонингиз билан, ақлин-гиз, эътиқонингиз билан, улар-нинг ақлларини очишга ҳара-кат қилинг. Амри-маъруф бил-ан, наҳйи-мункар билан улар-ни ёмон йўллардан қайтариб. Жамият сизу бизнинг, маҳалла фаолларининг ёрдамимиз, меҳ-натимиз, ҳиссамиз шифо топ-майди. Қалбларга шифо қилиб Оллоҳнинг каломини етказинг.

◆ ОҚСОҚОЛ ЁН ДАФТАРИДАН

Тўртликлар

Яшайман десанг гар, аламсиз, гамсиз, Қўлдан келганча яхшилик қилгил, Халқнинг қарниши ҳам ургайдир, шаксиз, Халқ рози, Оллоҳ ҳам розидир, билгил.

Ёзиб борсанг бир-иккита шеър, «Фалончи»ни ўқибмидинг дер! Танимасини сўраб нетасан?! Босиб чиқар, гонорорни бер.!

Бир дамгина чекмасдан турмайсан уни, Узи ёниб кул бўлар-у, қул қилар сени. Роҳат қилиб симирасан тутунини, Сўнг ўпкадан тополмайсан бутунини.

САККИЗЛИК

Мол дунё талашиб юрма эй инсон, Талашганинг эса доимо ердир. Оллоҳ розилигин талашгин подон, Билсанг борар жойинг аслида бирдир. Молу дунёнинг ҳам, еринг ҳам қолур, Наслинг зўрўнинг ҳам, еринг ҳам қолур. Талашганинг надири барчасин олар, Яхши амалларинг то Маъшар қолур.

Эргаш ҲАСАНОВ, Қашқадарё вилояти Нишон тумани, Ширинобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.



Сирли гап чиқиб қолди.

ЖАМНАТ ДАРВОЗАСИДАГҲ ЁЗУВ

Дарвоқе, жаннат дарвозасига нима деб ёзилганини биласизми? Билмасангиз, Мухаммад пайгамбаримизнинг қуйидаги ҳадисларига диққат қилинг: Жаннатга кириб унинг дарвозасида: «Садақага ўн савоб, қарз берганга ўн саккиз савоб», деган иборани кўрдим.

Шунда мен ҳамроҳимдан сўрадим: «Эй Жабрийл дўстим, нега садақага ўнга, қарзга ўн саккизга савоб бўлур?» Жавоб бердики: «Садақа бою камбағал қўлига тушареди. Қарз эса фақат муҳ-тож одамнинг қўлига тушади». Дунёда қарз бериб, қарз олмаган киши топилмас керак. Бу ҳол ҳам-мамизнинг ҳам бошимиздан кечган. Минг истиҳода билан қимтиниб қарз сўраган одамнинг ваэтинги тасавур қилинг. Бундай кишининг ночор аҳ-волдини англаб қарз берилади, лекин у ана шу қарзни вақтида қайтара оладими, йўқми? Қарз бериш ёки уни ўз вақтида қайтариш билан кимнинг ким экан-лиги ҳам яққол билинади. Халқимиз-да «Дўст туғинмоқчи бўлсанг, қарз бе-риб, қарз олиб синаб кўр» деган нақл ҳам бежизга айтилмаган. Кимлар қар-зи бериб суҳурулик ҳам қилиши мум-кин. Ислому динида суҳурулик, қарз бериб уни миннат қилиш қатъи қо-раланган.

Қадимги яна бир ривоятда айтили-шича, бир шаҳарда иттифоқ яшайдиган икки қўшни бўлган экан. Бир кун қўшнлардан бири узоқ шаҳарларга бо-риб савоғорлик қилмоқчи ният қилиб-ди, лекин бу ёқдан у ёққа, у ёқдан бу ёққа керакли молларни олиб бориш учун сармоясиз етмабди. Нима қилиш керак? Шунда у ўйлай-ўйлай қўшнисидан минг танга қарз сўрабди. Қўшнини бир шарт билан қарз беришга рози бў-либди, яъни савдоган тушган фойда ўр-тада тенг иккига бўлинади. Қўшнингдан бунга рози бўлишди. Савдогар қўш-нини бир неча бор узоқ шаҳарларга қат-наб бойиб кетибди-да, қарз берган қўш-нисига айнан олган минг тангани қай-тариб бериб, ишим юришмаяпти, йўлда қароқчилар тунали, дея баҳона қилиб-ди. Лекин бирмунча вақт ўтган савдо-гар қўшнини жуда бойиб кетибди. Қарз берган қўшнини эса ночор аҳволга ту-шиб, савдогардан бирор моддий ёрдам беришининг сўрабди.

Шундай тонфалаги инсонлар бўла-дики, ночор қолганда қарз олиб, то қарзини узмагунча ҳузур-ҳаловатини йўқотадил, кечалари тинч ухлай о-лмайди. Худди ёзувчи Улма Умарбе-ковнинг «Қиёмат қарз» асаридида Су-лаймон ота каби. Халқимизда тўёна ҳам қарз, деган нақл бор. Узбек халқи қадимдан бир-бирининг тўй ва бошқа маъракала-рида ёрдамга келган, бегараз ёрдам қў-лини чўзишган. Турли маросимларда тўёна қўниш, бери-берига ҳадялар бе-риш ҳам халқимизнинг қадимги, бо-шқа халқлар ибрат олса эрийдиган удумларидан. Ҳамюртларимиздан баъ-зи бириларнинг кимдигар тўёна қў-ниши, ўзи тўй қилганда эса унга шу тўёна қўни қайтармадан нолиб юр-ганлар ҳам бор. Албатта бу ўринда шуб-ҳасиз узбекона бу одатнинг асл мо-ҳиятини англаб етиш керак. Қолавер-са, кишиларимизнинг виждон сўр-вона боғлиқ ҳолатлар бу.

Кейинги пайтларда тўй эгасининг қўлига тўёна (қўпнича пул-конверт) бе-рилади. Тўй гала-говури билан у ки-шининг тўёна қўшанлигини унутиши ҳам ҳеч гап эмас. Республикаимизнинг қўпнича қишлоқларида тўйларда тўёна-ни қабул қилиб олувчи, дафтарга ёзиб борувчи киши қўйилади. Боғи тўёна йиғувчи тўйдан кейингина бор тўшган тўёна тўй эгасига қўй-қўлаб оқсо-қоллар ҳузурда топиради ва тўёна рўйхатини ҳам тўй эгасига беради. Бу одат қанчалик ноунғай сезилмасин, а-слида ҳаёт тақдоси эмасми?

Тўёна масаласида яна бир нозик гап. Айрим шаҳар тўй-маъракалар-да тўй эгасига (албатта у шунга ар-зиса) ҳушомад учун, унга яхши кў-риниш учун таъма билан катта-катта тўёна қўниши ҳам сир эмас. Бу энди тўёна эмас. Бундай шаҳарлар тўё-на қўшанларнинг қўпчилиги тўёна-нинг қайтишдан умид ҳам қилиш-майди. Ҳаётда яхши одамлар ҳам жуда кўп. Улар кўрсатган бегараз ёрдам, яхши-ликлар виждони тоза одамларнинг ха-миша ёлида туради. Агар сизга оғир пайтда яхшилик кўрсатган одамга ҳаёт-да бир неча бор унинг яхшилигини қайтарсангизда бундай кишилардан ба-риб бир умр қарздордек бўлиб қо-лаверасиз, ундайларнинг яхшилигини унутолмайсиз. Қани энди, бир-бири-нинг фақат инсоний яхшиликлар кўр-сати билан қарздор қилиб юрсақ. Пул билан, мол билан қарздор бўлиш-дан худонинг ўзи асрасин.

Нормўин ОЧИЛОВ.

Ҳайдар МУҲАММАД ҳожи

СОЙИБ ХҲҲАЕВ ҲАНГОМАЛАРИ

Ёзувчи Ҳайдар МУҲАММАД ҳожи устоз санъаткор Соиб Хўжаев ҳаётини акс эттир-ган мусиқали комедия ёзди. Қуйида ушбу асар-дан парча ўқийсиз.

ЯҚИНДА ҚУТУЛАСИЗ

Йўл четида бир ногирон-лар араваси турибди. Олдида ҳар хил курт, шар, сигарета-лар, живачкалар бор. Бир чол йиғит бўлиб қолган невараси-ни куллаб тутиб олиб урабощ-лайди. Шу пайт С.Хўжаев ке-либ қолади. С.Хўжаев: - Ҳа, ота Эркатой сизни нима деб хафа қилди? Чол: - Бу неварамга шу ара-вачадаги нарсаларни сотиб ўтир десам, йўқ дейди-да. Тех-никумга ўқишга кирманам дей-ди. Эй, ўқиб менга қайси ша-ҳарни олиб берадинг, ўрнига беш-ўн танга пул қилсин. Ана у нақд бўлади. Умарали Ҳайёмий ҳам айт-ган экану:


«Юз насядан бир нақд... деб» Ҳўкиш бу нася, эхе... шунги билмайди-я. С.Хўжаев: - Умарали Ҳайёмий эмас, Умар Ҳайём. Чол: - Майлида, ўша...да. С.Хўжаев: - Ота, ўғил-қиз-лардан қутулганмисиз? Чол: - Қутулганман болам. Қутулганман... Ҳа, шунинг айтиб қўяй болам. Биронта одамдан қар-зим йўқ. Барча қарзлардан қу-тулганман. Битта худодан жон қарзим бор, холос. С.Хўжаев: - Ташвиш торт-манг, отажон Худо хоҳласа яқинда ундан ҳам қутулиб қо-ласиз!

«ТОШБОЛТАНИ КҲҲАДА КҲҲАСИЗ»

С.Хўжаев: - Реквизитлар-дан ким бор? (Реквизитор югуриб чи-қади) Реквизитор: - Лаббай, Соибжон ака? С.Хўжаев: - Менга қара, Мирза йиғит. Бугун лўлабо-лишининг ўрнига гов ёстиқ олиб чиқасан. Реквизитор: - Гов ёстиқ ёзилмаган. Лўлаболиш ёзил-ган... С.Хўжаев: - Менинг айт-ганимни қилавер гап бор, кейин хурсанд бўласан. Реквизитор: - Қанақа гап? С.Хўжаев: - Бу - гов ё-стиқ. Парий билан гов ё-стиққа бош қўйишга ишора бўлади. Лўлаболишга бирга бош қўямиз деса бўлмайди тушундингми?... Менга қара, кейин уйланганинда ўша ёстиқни сенга совға қи-либ юбораман. Таварий қи-либ келинпошша билан бир ёстиққа бош қўйиб, ачом-ачом қилиб ётасан-да. Реквизитор: - Зур бўлар-дио, лекин режиссёр ури-шади-да. С.Хўжаев: - Домла уриш-майди, мен ўзим айтаман. Боравер, Ҳа... (Бу сўзни навада эшитиб турган Раззоқ Ҳамроев чи-қади) Р.Ҳамроев: - Ҳеч қандай реквизит ўзгартирмайди. Соибжон, билиб қўйинг. Ҳеч қандай сўз ҳам қўшил-майди. Ярим соатдан кейин Шароф ака ҳам томошага келадилар. С.Хўжаев: - Домла, сўз қўшмасам хотиним талоқ бўлади. Болишини гов ёстиқ-қа ўзгартирмасам бугун уйна-майман. Р.Ҳамроев: - Ҳеч нарса ўзгармайди, тамом васса-лом. Узобошимчалик қилса-нинг, эртага ишдан кетдим, даявер. С.Хўжаев: - Унда театр-га ёмон, менга яхши бўла-

ди. Ой чалқанча туғилса ўзи-га тинч. Бизга нотинч де-гандек... Р.Ҳамроев: - Биттагина сен бўлмасанг театрда дар-ров ёмон бўлиб қолар экан-ми? Ана 60-70 нафар сара-ланган артистлар гижинг-лаб турибди. Менга рол бе-ринг, менга йўл беринг, театр-ни осмонга олиб чиқа-ман, деб. С.Хўжаев: - Уларнинг ги-жинглашига ишонманг, осмонга олиб чиқиб у ёнга воҳ деб ташлаб юборди. Р.Ҳамроев: - Ташлавор-са ташвиш эмас, ўзим илиб оламан. Сенга ниҳоятда ёмон бўлади. Очингдан ўла-сан, 10 та боланг 10 ёнинг-дан талаб, тортиб еворди. С.Хўжаев: - Наоборот. Мен тезда миллионер бўла-ман. Мана кўрасиз. Р.Ҳамроев: - Қандай қи-либ миллионер бўлақолар экансиз? С.Хўжаев: - Ҳе-ҳе, театр-нинг эшиги олдида курт, семичка, хўрозқанд, шар, живачка, айрон сотаман. Курт қилдиган хотинларга катта-катта туя курт бую-раман, улар озгина гарим-дори қўшиб қўлтигининг тагида пишитиб қуритиб бе-ради. Уни есанг оҳ-оҳ... ма-заси-маза. Нордон ширин туя курт, Амакилар бурағи курт, Бунақас топилмас, Ҳар донасини кўзга сурт. Унинг устига семичкани туз билан қовуриб сотаман. Ана ундан кейин, куртдан оғзи ловуллаб, томоғи се-мичкадан қуриганлар ўзини айронга уриб, бир бочка бўлсаям симириб ичворали. Театрга ҳечким кирмай, Тошболтани кўчада кўрдик бўлди, деб қайтиб кета-варади. Қолган гижинглаган артистлар биз залга ўйнайверади. А лаббай...


Давоми бор.



Кўк чойдан-ку моза қилдик, аммо «МАНАЛЛА» газетасидан бир дона бўлса, ана ҳам яхши биринди, Болтавой ака.

МАНАЛЛА га

обуна бўлиш учун ҳеч қачон ҳали эрта деб ўйламанг.



Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Мели НОРМАТОВ

\* Узини билган ҳар бир кимса фарзандларига, олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми, - деп панд-насихат қилади. Олтин-зар, бойлик қўлининг кирки, бузув бор, эртага йўқ. Дуо эса шундай бир қудратли, илоҳий кучга эгаки, дуо олсан одам ҳеч қачон хор ва зор, кам бўлмайди. Ер ҳам дуо билан кўкаради, - деб бежиз айтилмаган!

\* Муҳаббат тўйида, ақл эса кунда керак. Маъжур мақоли келтиришимизнинг боиси шундаки, аксарият ёшлар кўпичча ташқи безакка ўч бўладилар. Уларга умр йўлдош таллашда ҳам шу йўлдан борадилар. Лекин билмайдиларки, ичи қалтироқдан ўзи асра-син.

\* Ақли бор жойга тўлаб, ўйлаб кўриласа, аждодларимиз назаридан четда қолган нарсанинг ўзи йўқ дунёда. Улар барча-барчага эътибор қаратганлар ва ҳайратомуз тўғри ҳулосаларга келганлар. Биз гумроҳ бандалар эса, буни назар-нисанд қилмай, ўзимизга оламшумул кишифетлар яратишга уриниб қоламиз.

◆ МУСАВВИР ТАЛҚИНИ

Мухтарам устозимиз, Турон ака Мустаев! Сиз ҳаётингизнинг қарий 57 йиллик даврини эл-юрт, жамоатчилик иши учун сар-флаб куч-гайратингизни аямadingиз. Самарқанд давлат университетининг филология куллубетини тугатгач, Будаунур туманидаги қатор ташкилот ва муассасаларда саморали фаолият кўрсатдингиз.

Сўнгги йилларда Сизнинг Будаунур ту-ман Оқсоқоллар Кенгаши раиси сифатида кўрсатаётган фао-лиятингиз ҳам таҳсинга сазовор.

Анш устозимиз Турон ака Мустаев! Ёшингиз етмишга етган-и ва айни даврда меҳнат ишжосатига тўлиб турганингиз билан чин юракдан қўлайимиз. Доимо соғ-саломат, бардам бў-линг.

Самарқанд вилояти, Будаунур тумани Оқсоқоллар Кенгаши жамоаси.



Тахрир хайъати: Шуҳрат ЖАЛИЛОВ Иброҳим РАҲИМ Расул РАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Рустам ҚОСИМОВ

\* Гузаллик меҳнатда, - дейдилар. Бу жуда тўғри. Лекин меҳнат қилиш билан меҳнат қилишининг фарқи бор. Қуруқ меҳнат билан иш битмайди. Меҳ-натга ақл-идрок, тадбиркорлик қўшимасини қўшимасанга натижаларга эришиш мумкин. Боболаримиз, меҳнат билан бой бўлса, хўкис бўларди, - дея бекорча айтмаганлар.

ҚАТРАЛАР

\* Мулла бўлдинг, тилло бўлдинг, - дейдилар. Ҳунармандлик эса, битмас-туғанмас ҳазинадир. Бугун бўлмаса, албатта эр-тага асқотади.

\* Устоз - отангдан улуғ, - дейдилар. Устоз дуосини оаган шогирд икки дунёда ҳам кам бўлмайди. Негаки, ота-она ўз инсоний бурчини бажариб, оқ ювиб, оқ тараб катта қилади, устоз эса унга зиё нурини эмдириб, камол топтиради, одамлар орасига қўшади.

\* Сир бошқа - дард бошқа. Сирингизни бировга айтсангиз, сирингизни йўқо-тади. Дардингизни ошкор қилсангиз эса одамлар ўртасида дардчил, деган ном оласиз.



Қиёс

Масъул котиб: Аслиддин БҲРИЕВ

Навбатчи: Олим БЕГАЛИЕВ Саҳифаловчи: А. ЮЛДАШЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.



Кўй (21.03-21.04). Чор-шанбада молиявий муноса-батда омадингиз чопиши қутилмоқда. Кейинги кун ижодий фаолиятингиз оша-ди. Шанбада яхши хабар эшитасиз, яқшанбада сал-моқди харид қилишингиз мумкин.

Бузоқ (22.04-20.05). Ҳафтанинг кейинги кунлари осойишта кечади. Шанбада яхши хабар эшитасиз. Яқ-шанба кунин ижодий фаол-лигингиз ошади.

Ўтказқлар (22.05-21.06). Ҳафтанинг баъзи кунлари дилсизхонлик олиб кели-ши эҳтимоли бор. Пайшан-ба ва жума кунлари ҳар қандай можаролардан ўзин-гизни четта тортинг. Шан-бада соғлигингиз ҳақида ўйланг.

Кискичбака (22.06-22.07). Ҳафтанинг биринчи кунлари сиз учун нуқулди бошланган бўлиб кўринса-да, кейинги кунлар осойиш-та, тўйулақ осмонда жав-дон урмоқ билан кечади. Жума ва шанба кунлари иш-қий саргузаштлар, яқшанба эса ижодий кўтаркичилик қўйида ором оласиз.

Арсдон (23.07-22.08). Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу. Ҳафтанинг биринчи яхши илм омад-сизроқ кечган бўлса-да, чор-шанба кунидан ишларингиз изга тушиб кетади. Шанба-да одадгадидай хордиқ чи-қарасиз.

Паризод (23.08-22.09). Бу ҳафта сизнинг ижодий фаолиятингиз анча равиқ топадиган кунлар силса-сидан иборат. Тўпланиб қо-лган ишларингизни бир йўла ҳал қилиш имкони бор. Чор-шанба кунини ортиқти-рувчи учрашув қутилмоқда. Қолган кунлари яна ижо-дингиз қуршовида бўласиз.

Тарози (23.09-22.10). Шу кунлардан бошлаб бар-ча ҳолатлар ўз маромига ту-шиб кетади. Жума, шанба-да молиявий аҳволингизни яхшилаб оласиз. Яқшанба кунини жуда мароқди ўтади.

Чаён (23.10-22.11). Ҳафта боши анча осойишта ўтган бўлса-да, чоршанбада можаролар кунингизга соя ташлаши мумкин. Пайшан-бада ҳам бироз ноҳуш ўта-ди. Жума ва кейинги кун-ларда молиявий аҳволингиз яхшилланиб, ижодий фаол-лигингиз ортади.

Ўқотар (23.11-21.12). Чоршанбада ҳисобга олма-ганда, ҳафтанинг барча кун-лари сиз учун осойишта ва омадли келди. Жума ва шанба кунлари сизни шир-ин дараклар қутмоқда. Дам олиш кунлари ортиб қолган ишларингизнинг бир йўла улдасидан чиқасиз.

Тоғ эчкиси (22.12-19.01). Чоршанбадаги андак дилсизхонлик ҳам кейинги кунларингизга соя ташло-майди. Ҳафтада ўз фаолли-гингизни намойиш этасиз. Яқшанба кунини молиявий аҳволингиз яхшиланади.

Ковча (20.01-18.02). Пайшанба кунини ажиб уч-рашувлар оғушида қоласиз. Шанба ва яқшанбада мо-жаролардан ўзингизни чет-га тортшингизни маслаҳат берамиз.

Балиқ (19.02-20.03). Чоршанбада қўлаб юрган ниятларингиз амалга ошади. Пайшанба кунини кутиб юр-ган хабарингизни эшитасиз. Дам олиш кунлари соғли-гингиз ҳақида қайғурганин-гиз маъқул.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.